

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Ғофуров Б., ГулДУ ўқитувчиси

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгандан кейин ўтган йиллар давомида демократик, барқарор тараққиётимизнинг барча соҳаларида бўлганидек, ўзбек халқининг миллий анъана, урф-одат, маросим, байрам, қадриятларини тиклаш, такомиллаштириш ва ривожлантириш йўлида кўдан-кўп ютуқларга эришилди. Зеро, мухтарам Президентимиз ҳақли равишда таъкидлаб ўтганидек, - “Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф – одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади”.

Мустақиллик йилларида миллий анъана, урф-одат, маросим, байрам қадриятларимиз ўзининг объектив, ижтимоий - аънавий ҳодиса, жараён сифатидаги тадрижоти (эволюцияси), тубдан ўзгариб, такомиллашиб бориши билан бир қаторда уларни илмий – социологик, фалсафий, маданиятшунослик, аксиологик, яъни илмий – назарий ўрганиш, тадқиқ этиш жараёнлари ҳам жиддий тадрижотга учради. Ана шу жараёнларни аксиологик, маданиятшунослик жиҳатидан ўрганиш, умумлаштиришнинг ҳам назарий – методологик, ҳам амалий – ташкилий жиҳатларига кўра қатор долзарб муаммолари мавжуд.

Зеро, мустақил Ўзбекистонда маънавият, маърифат, анъана, қадрият, урф-одат, маросим, байрамларга биринчи даражали давлат сиёсати даражасидаги ижобий муносабат қарор топмоқда.

Ҳолбуки, Ғарбий Европа фалсафасида аксиология аллақачонлар мустақил фан сифатида шаклланган бўлиб, қадриятларни тадқиқ этишда турли мактаб ва йўналишлар фаолият олиб бормоқда. Ғарбий Европанинг илғор социологлари, маданиятшунослари, гарчи улар ҳам анъана, урф-одат, маросим, қадриятларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини жуда яхши билсаларда, ҳисобга олсаларда, аввал бошидан, яъни XVIII-XIX асрларданок А.Шопэнгауэр, Ф.Ницше, О.Шпенглер, Э.Дюркегейм, Э.Дильтей, М.Вебер ва бошқа мутафаккирлар, анъана, урф-одат, маросим, қадриятларга ижобий, объектив ҳолис ёндашиш позициясидан туриб тадқиқ этганлар.

Шунинг учун ҳам Президент И.А.Каримов бир томондан халқимизнинг ўз анъана, маросим, урф-одат, байрам, қадриятларини асраб - авайлаб, эъозлаб сақлаш, уларга қадрлаш анъанасидан келиб чиққан ҳолда, бошқа томондан эса Ғарбий Европанинг илғор фалсафаси, социологияси, аксиологияси, маданиятшунослигининг анъана, урф-одат, маросим, уларга ижобий муносабатни ўзида жо қилган замонавий илмий тадқиқот усуллари, принципларини татбиқ этиш, улардан ижодий ва танқидий фойдаланишга оид ҳам амалий, ҳам назарий методологик хулоса ва ечимларни бермоқдалар. Ижтимоий фан соҳаси вакиллари, айниқса, файласуфлар олдида “Ўзбек миллий фалсафаси” ни яратишдек юксак вазифани кўймоқдалар. Натижада, Ўзбекистондаги ижтимоий фанлар, шу жумладан социология, фалсафа, маданиятшунослик, аксиология фанлари соҳаларида мазкур муаммоларни ўрганиш, тадқиқ этиш ва баҳолаш жараёнлари эволюцияси тубдан, сифат жиҳатдан янгиланиш, ўзгариш, такомиллашиш томон кескин ўзгармоқда. Бу эса мустақил Ўзбекистон демократик, барқарор тараққиётининг муҳим жабҳаси бўлган маънавият, маърифат, миллий анъана, урф-одат, маросим байрамлар, қадриятларга нисбатан олиб борилаётган ижтимоий - маданий сиёсатнинг илғор ютуғи сифатида эътироф этишга лойиқдир.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: 2008. 29 – 30 бетлар.
2. Скаун В.М. Ценность. Новейший философский словарь. – М.: 1998. Стр. 105 – 121.

